

Э. Ф. ГОЗИЕВНИНГ ШАХС ОНТОГЕНЕЗИДА КОГНИТИВ ЖАРАЁНЛАРНИ ХАРАКАТЛАНТИРУВЧИ МЕХАНИЗМ НАЗАРИЯСИ

Мадаминова Дилрабо

“Педагогика ва психология” йўналиши, 201-турух магистранти

Низомий номидаги Тошкент Давлат
Педагогика Университети психология
кафедраси п.ф.н. доц в.б. Л.С.Турсунов

АННОТАЦИЯ

Э.Ф.Гозиевнинг шахс онтогенезида когнитив жараёнларни харакатлантирувчи механизм назарияси ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Шахс онтогенези, когнитив ёндашув, когнитив жараёнлар, шартсиз рефлекслар, шартли рефлекслар, регуляция, билим, қўникма, малака ва одатлар.

АННОТАЦИЯ

Э.Г’.Обсуждается теория Газиева о механизме активации когнитивных процессов в онтогенезе человека.

Ключевые слова: Онтогенез личности, когнитивный подход, познавательные процессы, безусловные рефлексы, условные рефлексы, регуляция, знания, навыки, умения и навыки.

Шахс онтогенезига когнитив ёндашув ўтган асрнинг иккинчи ярмида юзага келган бўлиб, аксари мазкур соҳада изланувчилар асосий эътиборни шахснинг ўзлигини англашда билиш жараёнларини ролига қаратганликларини кўришимиз мумкин. Узоқ ва яқин чет эл психологлари томонидан олиб борилган тадқиқотларда шахс онтогенезида когнитив жараёнларни харакатлантирувчи механизмлари ҳақида маълумотлар ниҳоятда кам ёки учрамайди десак ҳам хато бўлмайди. Мазкур соҳада тадқиқот олиб боришга интилган мутахассислар ўз фаолиятларини бутқул ё қисман, олий нерв фаолияти ёки психофизиологик асосларга ургу бериш орқали тушуниришга ҳаракат қилганликларини гувохи бўламиз.

Ўзбек руҳиятшунослик фанининг забардаст олими Э. Ф. Гозиевни асарларини ўқиган шахс бир жиҳатга эътиборли бўлиши лозим матнда

“бизнингча” ёки “бизнинг” деган ибора ишлатилган бўлса демак мазкур фикр устоз томонларидан фанга киритилган янгилик хисобланади.

“Инсон онтогенезида билиш жараёнларини вужудга келтирувчи ва уларни амалга оширувчи, функционал ҳолатни яратувчи, уни ҳаракатлантирувчи куч сифатида ҳукм сурувчи манбалар, негизлар, механизмлар, бизнингча қўйидагилардан иборат:

- | | |
|--------------------------|---------------------------------------|
| 1. Туғма инстинктлар. | 6. Тақлид ёки имитация. |
| 2. Шартсиз рефлекслар. | 7. Тажриба – машқ. |
| 3. Шартли рефлекслар. | 8. Билим, кўнижма, малака ва одатлар. |
| 4. Идеомотор ҳаракатлар. | 9. Функциялар. |
| 5. Предметли ҳаракатлар. | 10. Регуляция.” [1, б.201] |

Юқорида келтирилган фикрдан кўриниб турибдики билиш жараёнлари ўз – ўзидан юзага келиб қолмайди аксинча уни ўзига ҳос механизми мавжуд, фақат унинг асосида билиш жараёнлари ўз фаолиятларини фаол намоён эта оладилар. Билиш жараёнлари ишлаб кетиш учун албатта туғма инстинктлар мавжуд бўлиши лозим бўлади, акс ҳолда физоанатомик ҳаракатларни ўзи автоматик тарзда ишлаб бирор - бир аниқ натижага интилиш кузатилмас эди. Натижада шартли ва шартсиз рефлекслар амалга ошиши мумкин бўлмасди. Мазкур назариянинг моҳиятига эътибор қаратилса, келтирилган ҳар бир жараён ўзидан кейингисига йўл очиб бериши билан бир қаторда у билан чамбарчас боғланган ҳолатда ўз фаолиятини давом эттиради.

ОНТОГЕНЕЗ тараққиётида идеомотор ҳаракатлар предметли ҳаракатлар билан чамбарчас боғланган бўлиб боланинг дастлабки йўналган ҳаракатларига замин яратиб бериш билан қаторда ўз ҳаракатларини назорат қилишга имкон очиб беради.

Хуллас назарияда илгари сурилган ҳар бир ҳолат билиш жараёнларини вужудга келтирувчи ва уларни амалга оширувчи, функционал ҳолатни яратувчи, уни ҳаракатлантирувчи куч сифатида ҳукм сурувчи манбалар, негизлар, механизмлари эканлигини бола психикасини онтогенези моҳияти ва қонуниятлари билан таниш мутахассислар учун англаш қийин эмас.

Э.Ф.Фозиев шахс онтогенези когнитив жараёнларни ҳаракатлантирувчи куч боланинг ривожланиш қонунияти ҳомилалик – эмбрионлик давридан бошланишига алоҳида урғу бериб: “Биз (Э.Фозиев) яратган комил инсон концепцияси ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бизнинг таъкидлашимизча ҳомилалик – эмбрионал давр босқичи бўлғуси шахс учун муҳим аҳамият касб этиб, жисмоний баркамолликнинг, нерв системаси, бош мия катта ярим шарлари, ҳиссий билиш, тана аъзолари пайдо бўлишининг ва ўсишининг манбай вазифасини бажаради”. [2, б.49]

Шахс ривожланишнинг когнитив жараёнлар билан узвий боғлиқлик қонуниятини хисобга олиб ёндошадиган бўлсак, таълим-тарбияни хомилалик давридан бошланиши яъни онанинг халол ҳаромга қатъий амал қилган холда озиқланиши, фаолиятини онг остида тўғри йўналтира олиши ва хомиласига эшиттириб ижобий - ибратли хикояларни ўқиб бериши орқали таъсир эта олиш қонуниятидан келиб чиқиб, устоз “хомилалик - эмбрионал давр босқичи бўлғуси шахс учун муҳим аҳамият касб этади” деган иборани ишлатаётганликларига шубха йўқ. Мазкур ҳолат дунёга машхур қўплаб шарқ мутафаккирларини хаёт тарзларида учратишимииз мумкин.

Бола дунёга келганидан сўнг уни онтогенезида когнитив жараёнларни харакатлантирувчи механизmlарни кетма – кет ривожланишига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Баъзан бир босқични босиб ўтмасдан кейинги босқичга ўтишга ундаш ижобий натижаларга олиб келмайди. Шуни унутмаслик лозимки тажрибани ўзлаштирмасдан, машқларни амалга ошириб бўлмайди, ҳар икки фаолиятни эгалламасдан билим ва малакани эгаллаш мумкин эмас.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики Э. F. Фозиевнинг шахс онтогенезида когнитив жараёнларни харакатлантирувчи механизм назарияси исбот талаб этишга зарурат мавжуд эмас.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Э. F. Фозиев. “Психология методологияси”. Т., “НОШИР” 2013й [1, 6.201]
2. Э. F. Фозиев. “Онтогенез психологияси”. Т., “НОШИР” 2010й [2, 6.49]